Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 126 (4821).
4 ИЮНЬ 1982 й.
ЖУМА.
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи «СССР 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта!» ҳаракатига қўшилиб меҳнат қилмоқда. Корхонада айниқса Мўътабар Мирғиёсова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари шонли сана шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирганлар. Бригада 12 та комсомол-ёшлардан иборат бўлиб, чеварлар сўзана, зардевол, чойшаб сингари ўзбек миллий бадиий буюмлари ишлаб чиқарадилар. Шуниси қувончлики, бригадада тикилаётган буюмларнинг ҳаммаси давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

БУГУН

М. Мирғиёсова бошлиқ бригада аъзолари 1982 йил план-топшириқларини муваффақиятли адо этдилар.

Бригаданинг Н. Мирзабекова, М. Исроилова, М. Мусаева, М. Ғуломова сингари пешқадам чеварлари ойлик план топшириқларини 150 — 160 процентга етказиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

20 июнь—маҳаллий Советларга сайловлар куни

Фаоллик кўрсатиб

Ҳамма жойда бўлганидек Акмал Икромов районидаги 116-мактаб қошида жойлашган 32-сайлов участкаси агитаторлари халқ депутатлари маҳаллий Советларига, халқ судларига ўтказиладиган сайловга қизғин тайёргарлик кўришяпти. Агитпункт жойлашган хонага киришингиз билан «Владимир Ильич Ленин йўлидан — коммунизм сари», «Л. И. Брежнев — тинчлик учун толмас курашчи» каби стендларга кўзингиз тушади. Шунингдек, бу ерда Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Қўриқ», «Эсдаликлар» китобларини, турли номдаги газета ва журналларни, сайловга оид адабиётларни олиб ўқишингиз мумкин.

Мактаб директори Р. Абзалов бошчилигидаги агитаторлар сайлов олди ишларини қизитиб юборишган. Масалан, улар маҳаллалар аҳолиси ҳузурида бўлиб, «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик сайлов системасидир», «Совет хотин-қизлари жамиятимизнинг актив қурувчилари» каби ўнлаб мавзуларда лекциялар ўтказишди. Лекцияларни уюштиришда агитаторлардан, айниқса М. Носирова, М. Мирзалиева, С. Асадова, М. Мирюсупов кабилар фаоллик кўрсатишмоқда.

М. АКРОМОВА.

Сайловчини мамнун этиб

Шу кунларда Акмал Икромов районидаги сайлов участкаларида сайлов олди оммавий-сиёсий ишлари қизғин олиб борилмоқда. 4-ўрта мактаб қошида жойлашган 39-сайлов участкаси бунга мисол бўла олади. Бу сайлов участкасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабнинг катта бир хонаси бўшатилиб, капитал ремонтдан чиқарилгач, агитпунктга айлантирилди. Бу ерда сайлов олди ишлари кўтаринки руҳда амалга оширилмоқда. Хонага сайловчилар учун телевизор, радио, шахмат-шашка, янги газета ва журналлар қўйилган. Адабиётлар орасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўриқ», «Тикланиш», «Кичик ер» хотира асарларига кенг ўрин берилган. Агитпунктда «В. И. Ленин ҳамиша барҳаёт», «Агитаторлар овози» каби чиройли стендлар, сайлов участкаси ва агитаторларнинг иш планлари, учрашувлар мавзулари кўзга кўринарли жойга осиб қўйилган. Мактаб ўқитувчиларидан ташкил топган 40 дан ортиқ агитатор сайловчилар рўйхатини ўз вақтида тайёрлади. Айни кунларда улар Ойдин Собирова ва «Иқтисод» маҳаллаларида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб сайловчиларни мамнун этишмоқда.

Агитаторлардан Б. Шермуҳамедова, С. Ғаниева, Ш. Тиллашайхова ва бошқалар айниқса фаоллик кўрсатишяпти. Юрист Р. Балалованинг «Совет сайлов системаси — энг демократик сайлов системасидир», мактаб директори Р. Маллабоевнинг «Ўқувчиларни тарбиялашда ота-оналарнинг роли», М. Абдуқодирова, С. Ғаниеваларнинг «КПСС — совет халқининг ақл ва идрокидир», «Совет мамлакатининг бутун дунёда тинчлик ва қуролсизланиш учун олиб бораётган кураши» мавзуидаги суҳбатлари тингловчиларга манзур бўлди.

Уларнинг сайловчилар билан суҳбатларига тайёрланишларида агитпунктдаги КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган стендлар, ўқув-қўлланма материаллари катта ёрдам бермоқда.

Н. МУРОДОВА.
Д. ХОЖИМУҲАМЕДОВА.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА— 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Иқтисод ва тежамкорлик— асосий шиоримиз

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга

Энг муҳими— сифат

Тошкент ёғ-мой комбинати йил бошидан бери планга қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу коллективнинг ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш учун қунт билан изланиши, мамлакат озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун интилиши натижаси бўлди.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумидаги докладида ўсимлик мойи ва маргарин ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги ҳақида гапирди, — деди комбинат бош технологи С. Убайдуллаев. — Бу бизнинг корхонамизнинг асосий маҳсулотидир. Йил сайин уни ишлаб чиқариш ҳажми ортаяпти. Бироқ КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари асосида биз буюмлар сифатини янада яхшилаш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Албатта, бунда кўп нарса пахта тозалаш саноати корхоналари етказиб берадиган хом ашёга ҳам боғлиқ. Айрим ҳолларда пахта чигити талабга жавоб бермайди. Деҳқонлар хом ашё сифатини ошириш учун курашни қизитишлари ғоят муҳим. Биз эса ўз томонимиздан технологияни, хом ашёни қайта ишлаш методларини такомиллаштириш устида ишлаймиз.

Корхона ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш йўлидан боряпти. 4 минг тонна уруғлик сақлайдиган бостирма қурдик. Саломасни қайнатишда гидрогенизация жараёнини автоматик бошқарадиган аппарат жорий этилди. Бу маҳсулот сифатини назорат қилишни яхшилаш имконини берди. Майонезни қуйиш бўйича янги, юксак унумли автоматлар ўрнатилди. Ишлаб чиқаришни келгусида техник жиҳатдан қайта қуроллантириш плани белгиланди. Бунда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини берадиган энг янги техникани жорий этишга асосий эътибор берилади.

Яқин вақтларда ёғ ва мойни рафинация қиладиган автоматик линияни монтаж қилиш тугалланади. Бу овқат саломаси ишлаб чиқарадиган цех қувватини ошириш, шунингдек бу қимматли маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Ҳал этилиши лозим бўлган яна бир вазифа чигитдан чиқадиган ёғ миқдорини кўпайтиришдан, рафинация қилинмаган ёғни тозалаш системасини такомиллаштиришдан иборат.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳам алоҳида қимматга эга. Чигит кобиғи ва бошқа чиқиндилар моллар учун яхши озуқадир. Уни чорвадорлар бажонидил олишади. Бу йил бу маҳсулотдан қишлоққа кўплаб етказиб берилади. Ой сайин хўжаликларга 10 минглаб тонна қимматли озуқа етказиб берилади.

Ҳозир корхонада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа қизимоқда. Илғорлар қаторида оператор Ёдгор Пўлатова, автоклавчи Раиса Юксаева, прессловчи Абдуқаҳҳор Абдукаримов ва бошқалар боришяпти.

КПСС Марказий Комитети май Пленумида олдинга қўйилган вазифаларни коллектив жанговар амалий программа сифатида қабул қилди. Участкаларда фойдаланилмаётган имкониятларни излаш кучайди. Бу ерда ҳар бир ишлаб чиқариш звеноси фаолияти атрофлича таҳлил этиляпти, ишлаб чиқаришни янада юксалтиришнинг янги йўллари қидириляпти.

Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Мусобақа пешқадамлари орасида корхонанинг ветеран ишчиси Маҳфуза Раҳимова ҳам бор. У шу фабрикада 22 йилдан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келади, ўтган йилги кўрсаткичлар бўйича мусобақа ғолиби бўлган.

СУРАТДА: чевар тикувчи М. Раҳимова.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Юбилей шарафига

СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига муносиб меҳнат совғалари ҳозирлаётган «ГипроНИИполиграф» давлат лойиҳа илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали коллективи шу кунларда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Институт коллективи бунёд этиладиган босмахоналар, нашриёт, китоб магазинлари ва шу каби биноларнинг лойиҳаларини яратиш устида тинмай изланмоқда. Айни кунларда институтда бир неча лойиҳа ишлари муваффақиятли тугалланди.

БУГУН

институт ходимлари шаҳримизда бунёд этиладиган республика китоб базаси биноси лойиҳасини ниҳоясига етказдилар.

Лойиҳа бош инженери Н. В. Фоминых. Бино лойиҳаси ва қурилиши учун 2 ярим миллион сўм ажратилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◉ ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 3 июнь куни Москвадан Ульяновскка жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

◉ 3 июнь куни Тошкентда «Ривожланган социалистик жамиятда миллий муносабатлар» мавзуидаги Бутуниттифоқ симпозиуми очилди.

◉ 1982 йил 2 июнь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос —1373» учирилди.

ТИНЧЛИК, ОЗОДЛИК ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ БУЮК ИДЕАЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиши

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-82

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Ўзбекистон пойтахтида тугаган VII халқаро Тошкент кинофестивали прогрессив кинематографнинг инсонпарварлик, тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик принципларига садоқатини намойиш этди. Фестивалда кўрсатилган фильмлар, фестиваль қатнашчиларининг ижодий учрашувларидаги гаплари Леонид Ильич Брежнев Тошкент кино анжумани қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномасида инсонга хизмат қилиш, кино санъатининг Ер юзи барча томонларидаги кишиларнинг тўлқинлантираётган ҳаётий проблемаларга дарҳол ҳозиржавоб бўлишдек юксак миссияси тўғрисида айтилган фикрни яққол тасдиқлайди.

3 июнь куни Тошкентдаги Санъат саройида фестивалнинг барча қатнашчилари йиғилди. Бу ерда кино байрами —тинчлик ва дўстлик байрамининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

Кечада Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева нутк сўзлади.

Ўн кун мобайнида фестивалнинг бош экрани —Санъат саройининг залларида, Тошкентнинг тўлиб тошган кино залларида дунёнинг қарийб 100 мамлакатидан кино байрамига келтирилган лентaлар намойиш қилинди.

250 тадан кўп бадиий ва ҳужжатли фильмлар планета халқлари ҳаёти, кураши, эътиқод ва орзу умидларининг ёрқин, ажойиб таъсирчан манзарасини яратди. Таникли кино усталари, кўпгина халқаро мукофотлар ва конкурсларнинг лауреатлари, кино санъатида эндигина қадам босаётган режиссёрлар ва операторлар уларнинг авторларидир. Фестивалнинг қатнашчилари ва меҳмонлари орасида таникли давлат арбоблари, жаҳон кинематографиясининг усталари, истеъдодли ижодкор ёшлар бор. Уч юзга яқин чет эллик ва совет журналистлари анъанавий анжуман ишини ёритиб бордилар.

Фестиваль кунлари тинчликни ҳимоя қилиш халқаро ҳаракат ҳафталигига тўғри келганлиги эътиборга сазовордир. Бу мўътабар кино кўрик тинчлик ҳимоячиларининг термоядро уруши хавфига қарши, апартеид ва ирқчиликка қарши умумий ҳаракатига қўшилиб кетгандек бўлди. Меҳнаткашларнинг халқларнинг тинчлик учун, империализм ва янги мустамлакачилик кирдикорларига қарши курашига бағишланган митингларида, СССР халқлари дўстлиги монументининг очилиши байрамида кинематографчиларнинг актив иштирок этганлиги — тараққийпарвар кишиларнинг инсоният порлоқ идеаллари учун курашида тобора мустаҳкамланиб бораётган жипслигининг далилидир.

Фестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари меҳмондўст Ўзбекистон халқи билан учрашиш қувончи, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Советлар мамлакатининг ҳаёти билан танишиш бахтига сазовор бўлганликлари тўғрисида гапирдилар. Улар ўзбек, қирғиз, туркман, тожик, қозоқ экран усталарининг, СССРдаги бошқа республикалардан келган ҳамкасбларининг Тошкентда кўрсатилган лентaлари, фестиваль чоғида очилган янги кино уйи Совет Иттифоқида миллий маданиятлар равнақ топаётганлигидан далолат беришини айтдилар. Совет кинематографчиларининг асарлари ўз республикалари, ўз мамлакатлари ҳаётини акс эттирибгина қолмай, умуминсоний аҳамиятга молик проблемаларни ҳам кўтариб чиқади. Совет давлатида барча санъат турларини ривожлантиришга нақадар катта аҳамият берилаётганлигига биз яна бир карра қаноат ҳосил қилдик, дейишди фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказилган VII халқаро кино фестивали ниҳоясига етди. Анъанага кўра, кўрсатилган барча картиналар бош дирекциянинг қатнашганлик дипломлари билан тақдирланди, эллик учта фильм эса Иттифоқ ва республика жамоат ташкилотларининг, бир қанча газета ва журналлар редакцияларининг совринлари ва дипломларини олди.

— Тошкент кинофестивали муваффақиятли ўтганлиги яққол кўриниб турибди, — деди Вьетнам Социалистик Республикасидан келган режиссёр Лонг Ван. — Биз бу ерда халқларнинг тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун олиб бораётган курашини акс эттирувчи кўпгина фильмларни кўрдик. Леонид Ильич Брежневнинг фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларга йўллаган табрикномаси ҳаммамизда чуқур таассурот қолдирди. Бутун дунёда тинчлик таянчи — СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ўтганлиги учун ҳам бизнинг учрашувимиз айниқса байрамона руҳда бўлди. Биз улуғ мамлакатингизнинг кино санъатини биламиз ва севамиз, кино санъати қардошлик, бирдамлик, тараққиётнинг порлоқ ғояларини кишилар қалбига етказди.

Вьетнамлик режиссёр самимий кутиб олинганлиги учун миннатдорчилик билдириб, мен ва ўртоқларим Тошкентдан мана шу серқуёш тинчлик, дўстлик ва шодхуррамлик шаҳридан янги учрашувлар умидида жўнаб кетмоқдамиз, деди.

Юқори Вольтадан келган режиссёр Алимата Саламбере африкалик барча кинематографчилар номидан Тошкент фестивалига, унинг ташкилотчиларига миннатдорчилик сўзлари айтди. Фестиваль, деб таъкидлади у, илғор кинематографчиларни бирлаштириш олижаноб ишига хизмат қилди. Бу анжуман унга ва унинг кўпгина ҳамкасбларига совет халқларининг турмуши билан, Ўзбекистон ҳаёти билан танишиш имкониятини ҳам берди. Мамлакатимиздаги хотин-қизлар иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларига жалб этилганлиги, улар бу ерда масъулиятли давлат лавозимларини эгаллаб турганликлари фестивалда қатнашган бу аёлни айниқса хайратда қолдирди. Юқори Вольталик режиссёр ишонч билдириб айтдики, кейинги учрашув ҳам янги кашфиётлар, ижодий мунозаралар билан шу қадар ажойиб ўтади.

Кубалик режиссёр Октавио Кортасар Тошкент кинофестивалини тинчлик учун, термоядро уруши хавфига қарши курашаётган уч китъа кинематографчиларини бирлаштирган ўзига хос кўприк, деб атади. Анжуман маслакдошларнинг учрашуви бўлиб, барча илғор кино арбобларига инсонпарварлик, дўстлик, тенглик ва озодлик ғояларини қарор топтиришда ўз ижодининг ролини яна ҳам равшанроқ белгилаб олишларига имкон берди. Халқларнинг ҳаёти, уларнинг уйлари ва орзу-умидлари, олиб бораётган кураши тўғрисидаги ҳақиқат янграган бу ерда кўрикдан ўтган фильмлар кинофестивалнинг шиорига батамом мос бўлиб тушади. Фестивалдаги лентaлар кинематографчиларнинг инсониятга хизмат қилиш, ўз кучи ва талантини унинг порлоқ келажагига бағишлаш иштиёқини ифода этади.

Совет кино артисти Елена Драпеко кечада сўзга чиқиб, фестивалнинг барча қатнашчилари янги ижодий ғоялар, режалар билан бойиган ҳолда меҳмондўст Тошкентдан жўнаб кетаётганликларини айтди. У барча совет кинематографчилари номидан гапириб, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси илғор кино арбобларининг муддаолари билан, ёш режиссёрлар, актёрлар билан бирдамлик изҳор қилди. Бу кўрик шу ёш режиссёрлар, актёрлар учун ижодий камолот сари йўлнинг ўзига хос бошланиши бўлиб қолди.

...Тинчлик ва дўстлик шаҳри, «оқ олтин» ўлкасининг пойтахти узра дунёдаги уч китъа мамлакатларининг ранг-баранг байроқлари ўн кун ҳилпираб турди. Тошкент фестивали ўзининг барча қатнашчилари ва меҳмонларига, дўстларига «Янги учрашувларгача хайр» дейди. Инсонпарварлик, тинчлик, дўстликни қарор топтирувчи демократик ва энг оммавий санъат хизматида сизларга янги-янги муваффақиятлар тилаймиз. Фестивалнинг ўзбек диёридаги энг гўзал гул — оппоқ пахта чаноғи билан кинолента ўралган Ер курасининг зангори эмблемасидан иборат гулдастаси Тошкент кино байрами баҳор кунларини сизларга эслатиб турсин.

Кинофестиваль байроғи туширилади.

СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари янграйди.

Кинофестивалнинг ёпилишига бағишланган тантанали кеча фильмлар намойиш этиш билан тугади.

* * *

Шу куни кечқурун Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентдаги VII халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари учун Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан қабул маросими ўтказилди.

(ЎзТАГ).

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

Шу кунларда шаҳримиздаги барча корхона ва ташкилотларда СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу жумладан, Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинати меҳнат аҳли ҳам юбилейни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

БУГУН

комбинатда тайёрланаётган доҳий В. И. Ленин ҳайкали ниҳоясига етказилди.

Бронзадан ишланган ҳайкалнинг бўйи 5 ярим метр бўлиб, уни ҳайкалтарош И. Клинцкий ва постаментини архитектор М. Матжоновлар яратишган.

Доҳий ҳайкали бу йил Хоразм областининг Боғот райони марказида ўрнатилади.

ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетининг юстиция бўлими КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида халқ хўжалигида ҳуқуқий ишнинг самарадорлигини оширишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказди. Семинар-кенгашда шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг юридик хизматлари ходимлари қатнашдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигида ҳуқуқий ишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлари қандай бажарилаётгани ҳақида Тошкент область Совети ижроия комитети қошидаги Давлат арбитражи Бош арбитрининг ўринбосари О. Д. Холошино ва бошқаларнинг докладлари тингланди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ўзаро тажриба алмашдилар.

Шаҳримиз мактабларида имтиҳон топшириш давом этяпти. Ўқувчилар йил бўйи фанлардан олган билимларини синовдан ўтказишмоқда.

СУРАТДА: Собир Раҳимов районидаги В. И. Ленин номли 28-мактабда рус тилидан имтиҳон пайти. Ўқитувчилар А. Алтухова ва С. Алимуҳамедова 6-синф ўқувчисининг жавобини тинглашмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◉ **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Шарлоттенбург районида социал-демократик партия ташкилоти қабул қилган резолюцияда Ғарбий Европада Американинг «Першинг—2» ракеталарини ва қанотли ракеталарини жойлаштиришга қаршилик кўрсатиш зарурлиги таъкидланади.

Ҳужжатда ўртача олисликка учириладиган янги ракеталар тинчликка реал таҳдид қилиши қайд этилади. Ана шу янги ракеталарни Ғарбий Европа территориясида жойлаштириш ядро урушининг бошланиб кетиш хавфини кучайтиради.

Целиндорф райони социал-демократик партия ташкилоти «Першинг—2» ва қанотли ракеталарни жойлаштиришга тайёргарликни тўхтатишни талаб қилди.

◉ ДАМАШҚ. Фаластин демократик озодлик фронтининг бош секретари Н. Хватманинг Сурия бош министри А. Р. Қосм билан бу ерда бўлиб ўтган учрашувида Яқин Шарқда Америка—Исроил планларига қарши биргаликдаги курашнинг янада самаралироқ усулларини излаб топиш зарурлиги таъкидланди.

САНА агентлигининг хабар беришича, томонлар Яқин Шарқ можаросини бартараф этишнинг таслимчилик усулларини араб мамлакатларига тиқиштиришга ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари амалга ошишига йўл қўймасликка уринаётган АҚШнинг арабларга қарши кирдикорларини қатъиян қораладилар. Н. Хватман билан А. Р. Қосм араб мамлакатларидаги барча ватанпарвар кучлар, энг аввало Сурия билан Фаластин қаршилик ҳаракати ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни ёқлаб чиқдилар.

◉ **МАНАГУА.** Сальвадор қўзғолончиларининг «Фарабундо Марти» номли радиостанцияси хабар беришича, Сальвадор реакцион диктатураси АҚШнинг мадади билан Чалатенанго департаменти аҳолисини қирғин қила бошлаган. Америка ҳарбий маслаҳатчиларидан таълим олган «Атонатль» батальони, шунингдек бошқа армия қисмлари аҳолидан ўч олишда иштирок этмоқда. Гондурас ҳарбийларидан иборат фашист унсурлар жаллодларга бевосита мадад бермоқда.

Қўзғолончиларнинг қуролли отрядлари душманга нисбий зарба бердилар. Маҳаллий аҳоли шу отрядларга ёрдамлашмоқда.

◉ ТОКИО. Янги Япония хотин-қизлар кенгаши ҳукуматдан Япония хотин-қизларининг ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда камситилишига чек қўйилишини талаб қилди. Мамлакатдаги ана шу оммавий хотин-қизлар ташкилотининг съездида қабул қилинган баёнотда Япония хотин-қизларининг тенг ҳуқуқликка эришишга, ядро хавфини бартараф этиш ва тинчликни сақлаб қолиш учун курашга аҳд қилганликлари изҳор этилади.

◉ **КОНАКРИ.** Гвинея далаларида экиш ишлари бошланди. Қишлоқ хўжалик машиналаридан, ўғитлардан кенг фойдаланиш шу экиш кампаниясининг асосий хусусиятидир.

Ҳозир ёғингарчилик бошланди. Нам тупроқка асосий озиқ-овқат экинлари — шоли, маккажўхори ва ерёнғоқ уруғликлари қадалмоқда. Гвинеяликларнинг рационида илдиз мева муҳим ўрин эгаллайди. Бу энг аввало маниок бўлиб деярли, ҳар бир оила шу илдиз мевани етиштиради. Уни бу ерда ҳосил нам бўлган вақтда гарантияли мева, деб ҳисоблашади.

(ТАСС).

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«Партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари гражданларнинг хатлари билан ишлаш ва уларни шахсан қабул қилиш шакл ва методларини тағин ҳам такомиллаштириш, орттирилган ижобий тажрибани мустаҳкамлаш, шикоятларни келтириб чиқарувчи камчиликлар ва сабабларни йўқотиш борасидаги конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширсинлар. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлаш ва уларни қабул қилиш ишининг аҳволи муттасил текширилиб, раҳбарларнинг ҳисоботлари тинглаб борилсин, бу масалалар партия органларининг пленумлари ва бюросида, халқ депутатлари Советлари ва ижроия комитетларининг сессиялари ва мажлисларида, министрликлар ва идораларнинг коллегияларида мунтазам муҳокама этилсин».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

• Касб-ҳунар ўрганмоқчи бўлсангиз... • Ишчи ва хизматчи аёлларга ғамхўрлик • Телефон ўрнатишдаги сансалорликлар • Обуначи нега ранжиди?

• Ким бўлсам экан?

Ҳар томонлама қулай

Ҳурматли редакция! Шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёшлар қандай ҳуқуққа эга бўладилар? Агар киши олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимига кириб ўқимоқчи ва ишламоқчи бўлса, қандай енгилликлар бериладн?

Н. СОТИНБОЕВА.

А. ЛЕБЕДЕВ,

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— Шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирган йигит ва қизлар ўрта мактабни олтин медаль билан битирган ёшлар билан тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Улар олий ўқув юртларига киришда фақат битта фандан имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари СССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан ҳар йили белгиланадиган олий ўқув юртлари бўладики, билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган ёшлар бу ўқув юртларига киришда фақат суҳбатдан ўтадилар, холос.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги йилдан-йилга ривожланиб, малакали ишчиларга бўлган талаб тобора ўсиб бораяпти. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз ҳунар-техника таълимини ривожлантиришга катта аҳамият бераяпти. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрида 50 га яқин ҳунар-техника билим юрти бор. Бу билим юртларининг аксарият қисмида ёшлар турли касбларни ўрганиш билан бирга ўрта маълумотли ҳам бўладилар. Ёшлар танлаган соҳаларида ишлаб, институт ва техникумларнинг кечки ва сиртқи бўлимларига кириб, ўқишни давом эттиришлари мумкин. Саккизинчи синфни битириб, ҳунар-техника билим юртларида ўқийдиган ёшлар уч йил давлат таъминотида бўладилар. Йилдан-йилга уларга бошқа имкониятлар ҳам берилаяпти. Жумладан, Тошкент шаҳридаги тўқимачилик корхоналарига малакали ишчи кадрлар тайёрлайдиган 85-ҳунар-техника билим юртини битирган ёшлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига, Низомий номли педагогика институтига ҳамда Халқ хўжалиги институтларининг кечки ва сиртқи бўлимларига конкурссиз киришлари мумкин. Мазкур билим юртига ўрта мактабни тамомлаб кирган ёшлар Тошкент тўқимачилик комбинатидан 1-разрядли тўқувчи ставкасида (70 сўм) маош оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси пайтида қилган меҳнатлари учун яна қўшимча ҳақ оладилар.

Бундан ташқари, шаҳардаги барча ҳунар-техника билим юртларини аъло баҳода битирган ёшларнинг ўн процентига олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига конкурссиз кириш ҳуқуқи берилади.

Халқда қадимдан ҳунар — бахт калити ҳисобланган. Ҳунари бор кишининг турмуши ҳунарсиз кишининг турмушига нисбатан дуруст бўлишини ҳаёт исботлаган. Буни ҳозирги ҳаётимиз мисолидан ҳам яхши англаш мумкин.

Ҳунар-техника билим юртларида ўқиш ёшларнинг катта орзу-ҳавасларини амалга оширишларига халақит бермайди, аксинча уларга ёрқин истиқбол йўлларини очиб беради. Шунинг учун ҳам ўрта мактабларнинг саккизинчи ва ўнинчи синфларини битириб, ҳунар-техника билим юртларига кириб, ҳунар ўрганадиган ёшлар ўз манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам тўғри иш қилган бўладилар.

Шаҳримиздаги кўпгина меҳнат коллективлари қатори Тошкент асбобсозлик заводи ишчилари ҳам шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олиб, ўзаро социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари мусобақага ой сайин якун ясаб, илғорларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиряпти. 12-цехдаги Шоислом Нўъмонов бошлиқ токарлар группаси бу мусобақада пешқадамлик қиляпти. Ҳозир бу коллектив аъзолари 1982 йилнинг иккинчи ярмига ҳам якун ясаяпти. Ишчиларнинг ўхшаш касбларни билиши, ўзаро ҳамжиҳатлик билан, интизомга қатъий риоя қилиб меҳнат қилиши ишлаб чиқариш суръатларини тинмай ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Бригаданинг кўпчилик аъзолари шахсий белги билан маҳсулот тайёрлаш ҳуқуқини олишган.

СУРАТДА: Шоислом Нўъмонов бригада аъзоси Наташа Плюсина билан ишлаб чиқариш жараёнида.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

Киоска очиладими?

Фрунзе район «Союзпечать» агентлиги Западная кўчасида ёпиб қўйилган газета ва журналлар билан савдо қилувчи киосканн очиб бериш ҳақида ваъда қилган эди. Мана берилган ваъдага ҳам бир неча ой бўлди, ҳамон киосканинг очилишидан дарак йўқ. Биз қачонгача ҳар куни газета ва журналлар сотиб олиш учун ўзимиздан 2—3 чақирим наридаги киоскага боришимиз керак?

Кексалар ва студентлар номидан: Улуғ Ватан уруши инвалиди ва халқ маорифи аълочиси Н. НАЗИРОВ.

Ҳ. АЛИМОВА,

Фрунзе район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи.

— Ҳақиқатан ҳам Западная кўчасига битта киоска жуда зарур. Чунки бу ердан кўплаб йўловчилар ўтади. Аҳоли ҳам зич жойлашган. Олдинлари бу ерда киоска бор эди. Бу киоска баъзи сабабларга кўра олиб ташланди. Ҳозир янги киоска қўйилди. Лекин ана шу киоскада ишлаш учун штатимиз йўқ. Биз шаҳар «Союзпечать» агентлиги штат ажратди дегунча киоскани ишга туширамиз.

РЕДАКЦИЯДАН: Олма пиш, оғзимга туш қабилида иш тутиш билан аҳоли талаби қондирилмайди. Шундай экан Фрунзе район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи Ҳ. Ш. Алимова тезда ғайрат кўрсатиб аҳолининг талабини қондириши керак. Ахир олдин шу Западная кўчаси ишлаб турган киоскадаги штат осмонга учиб кетмаган-ку!

ТАРТИБ БОРМИ ЎЗИ?

Мен 1974 йилда телефон ўтказиб беришларини сўраб, ариза берган эдим. Шу ариза асосида мени навбатга қўйишди. Ниҳоят бизга телефон ўрнатиб беришлари ҳақида қоғоз келди-ю, шу йилнинг 11 апрель куни 52 сўм тўлаб, телефон аппаратини олиб келдим. Уйимизда хурсандчилик. Лекин телефон аппарати олиб келинди деган сўз уйингизда телефон ишлайди деган гап эмас, экан. Яна бир неча маротаба шаҳар телефон тармоқлари бошқармасига қатнашга, овора бўлишга тўғри келди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмаётир. Ахир, бўш номер бўлиб телефон тушириб беришга имкониятлари бор экан, нега энди бизни сарсон қилишади?

Х. ОРТИҚОВ,

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани.

У. ТОШХЎЖАЕВ,

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг ишлаб чиқариш монтёрлар группаси бригадири.

— Ҳақиқатан ҳам биз, ўртоқ Х. Ортиқов уйига телефон ўрнатиб бериш учун шу йил 15 март куни 129-наряд билан ишга киришдик. Шуни айтишим керакки, бригадамиз монтёрлари фақат апрель ойининг ўзида Улуғ Ватан уруши инвалиди ва қатнашчиларига, меҳнат ветеранлари, умуман имтиёзли оилаларнинг 310 тасига телефон ўрнатиб беришди. Биз 1 Май байрамида ҳамшаҳарларимиз хонадонида телефонлари ишлашига ҳаракат қилдик. Шу жумладан редакцияга шикоят хати ёзган Х. Ортиқов уйига ҳам 30 апрель куни телефон ўрнатиб, 46-80-52 телефон рақамини бердик ва район телефон тармоқлари узелига топширдик. Улар подстанцияга улаб, телефон ишлаётганлигини айтишиб, икки кун ичида барча ҳужжатларни бошқармага қайтаришлари керак эди. Ваҳоланки, ҳужжатлар қайтарилмади.

М. РАХМАТУЛЛАЕВ,

Собир Раҳимов район телефон тармоқлари узели бошлиғи.

—30 апрелда Х. Ортиқов уйига телефон ўрнатилганлиги ҳақида Бешқайрағоч подстанциясига ҳужжатлар топширилган. Подстанция монтёри С. Мустафаеванинг ишга совуққонлик билан қараганлиги оқибатида телефон уланмаган. Шунинг учун Х. Ортиқов хонадонида ҳамон телефон ишламаётир. Бу монтёр С. Мустофаеванинг айби билан содир бўлди.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз газетхон Х. Ортиқов хати юзасидан керакли мутасадди ташкилотларга қўнғироқ қилиб, уларни хабардор этганимиздан кейин, газетхонимиз уйида 46-80-52 рақамли телефони ишлашини ваъда қилишди. Бу қандай лоқайдлик? Ахир одамлар уйларига телефон тушириш учун сабр-тоқат қилишиб бир неча йиллар кутишади-ку! Шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси эса бор телефонларни бир амаллаб ўрнатиб бергандан кейин ҳам ишни яна нимагадир сабабсиз чўзади. Бошқармада қачон тартиб ўрнатилади? Редакция бошқарма раҳбарларидан жавоб кутади.

ЗАЁМ АЛМАШТИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Биз 1966 йилда чиқарилган Давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигацияларини янги 1982 йилда муомалага чиқарилган Давлат ички ютуқли заёми облигацияларига алмаштирмоқчи эдик. Омонат кассага борган эдик, курс айирмасини, яъни заём сотилаётганда ушлаб қолинадиган устама ҳақини тўлайсиз дейишди. Шу тўғрими? Умуман янги заём тўғрисида ҳамда эски заёмни янгисига алмаштириш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

А. УСМОНОВ.

С. ШАПОВАЛОВА,

СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи.

— 1982 йил 1 январдан бошлаб, янги Давлат ички ютуқлари заёми муомалага чиқарилди. Белгиланган тартибга мувофиқ омонат кассалари 1966 йилда муомалага чиқарилган Давлат 3 процентли ички ютуқли заёми облигацияларини сотишни шу йил 1 январдан тўхтатдилар. Ана шу заёмнинг аҳоли қўлида бўлган облигациялари омонат кассалари томонидан эркин сотиб олинади. Айни пайтда бу заём-нинг муддати тугагунча, яъни 1986 йил 1 июлгача, унинг облигациялари ютуқлари тиражида одатдагидек қатнашаверади. Демак облигацияларнинг эгалари уни янги заёмга алмаштиришга шошилмасликлари мумкин. 1986 йил 30 июнда 1966 йилда чиқарилган заёмнинг охирги ютуқлар тиражи ўтказилади. Шундан кейин облигацияларнинг эгаларига бир йил мобайнида — 1987 йилнинг 1 июнигача қўлларидаги облигацияларни омонат кассаларда 1982 йилда чиқарилган Давлат ички ютуқли заёмига имтиёзли шартлар билан, яъни курс айирмасини тўламасдан алмаштириш ҳуқуқи берилади.

Газетхон А. Усмоновни худди шу масала қизиқтирган. У 1961 йилда чиқарилган заём облигациясини ҳозир алмаштириш ниятида бўлса, янги заём олаётганида курс айирмасини тўлаши лозим. Демак, омонат касса ходимлари унга тўғри жавоб қилишган.

Шу ўринда курс айирмаси ҳақида тушунтириш бериб ўтамиз. Бу — 1982 йилда чиқарилган Давлат ички ютуқли заёми учун қуйидагича белгиланган бўлиб, бунда икки тираж оралиғидаги муддат уч даврга бўлинади. Заём облигациялари биринчи 15 кунликда харид қилинса 40 тийин, иккинчи 15 кунликда харид қилинса 70 тийин, учинчи 15 кунликда харид қилинса 1 сўм курс айирмаси ҳақи тўланади.

Янги заём аҳоли ўртасида тез оммалашиб бормоқда. Унинг тиражи 1961 йилги заём каби бир йилда саккиз марта бўлади. Ҳозир иккаласининг тиражи бир пайтда ўтказилмоқда. Агар эски заём бўйича йигирма йиллик муддатда облигацияларнинг 30 процентига ютуқ чиқса, янги заём бўйича 32 процентига ютуқ чиқади. Минимал ютуқ юз сўм, максимал ютуқ ўн минг сўмгача қилиб белгиланган.

Шуни ҳам айтиш кераккн, ўн минг сўм ютуқ чиққан киши «Волга» автомобили ёки тегишли классдаги енгил автомобиль олиш ҳуқуқига эга бўлади. Беш минг сўмлик ютуқ эгаси эса бошқа маркадаги автомобиль олиши мумкин. Иккала ҳолда ҳам машина нархига етмаган суммани облигация эгаси тўлайди.

ЎЗГАРТИРСА БЎЛАДИМИ?

Паспорт ва ҳарбий билетимнинг «миллати» деган жойига дадамнинг миллати ёзилган. Дадам ва онам икки хил миллат бўлганлиги учун ҳозир онамнинг миллатини қабул қилмоқчиман. Шундай қилиб янги паспорт ва ҳарбий билетимни қайтадан олишим мумкинми? Мумкин бўлса кимга ва қаерга мурожаат қилишим керак?

Ш. АБДУРАҲМОНОВ.

Н. ЗАЙНУДДИНОВ,

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги паспорт бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги.

— СССР Министрлар Советининг СССРда паспорт тўлдириш ва бериш системаси тўғрисидаги қарорининг учинчи бандида шундай талаб бор: паспортга миллати ота-онасининг миллатига қараб ёзилади. Агар ота-онанинг миллати ҳар хил бўлса, биринчи паспорт берилаётганда отаси ёки онасининг миллати ёзилади. Бунда балоғат ёшига етган гражданиннг хоҳиши инобатга олинади. У отасининг ёки онасининг миллатини ёзишларини талаб қилишга ҳақли. Кейинчалик паспорт алмаштирилаётган пайтда миллати тўғрисидаги ёзувни ўзгартириш мумкин эмас. Бинобарин, Ш. Абдураҳмонов ҳам миллатини ўзгартириши мумкин эмас. Бу тартибга бутун мамлакатимизда амал қилинади.

КЎП БОЛАЛИ ОНА ВА ИМТИЁЗ

ҚЎШИМЧА ОТПУСКА БЕРИШАДИМИ?

Мен кўп болали онаман. Эшитишимча, кўп болали оналарнинг меҳнат отпускасига уч кун қўшиб берилар экан. Мен ҳам отпускага чиқмоқчи бўлиб, маъмуриятдан шуни талаб қилган эдим, болангиз 12 ёшга тўлиши керак, деб айтишди. Шу тўғрими?

А. ШОКИРОВА.

Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаш комбинати ишчиси.

А. ҲАСАНОВ,

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Промстройматериали» трестининг ёғочни қайта ишлаш комбинати юрисконсультанти.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йилнинг 22 январидаги 235-қарорига биноан, 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ болалари бўлган аёллар учун (халқ хўжалигининг қайси жойида ва тармоғида ишлашидан қатъий назар) 1981 йилдан бошлаб ҳар йили қўшимча уч кунлик ҳақ тўланадиган отпуска берилади. Қўшимча ҳақ тўланадиган уч кунлик отпуска белгиланган тартибга кўра, ҳар йили (асосий) отпуска билан бирга қўшиб берилади.

Кўрсатилган отпуска аёл кишининг хоҳиши билан унинг учун қулай бўлган бошқа вақтда ҳам берилиши мумкин.

Икки ва ундан кўп 12 ёшгача болали аёллар 1981 йилда 3 кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча отпускадан фойдаланмаган бўлсалар, у ҳолда ҳар йилги отпуска билан бир вақтда ўша йилнинг охирига қадар олиши керак.

15 иш кунлик меҳнат отпускаси билан фойдаланадиган болали аёллар учун бериладиган 3 кунлик қўшимча отпуска асосий меҳнат отпускасига қўшилган ҳолда берилади.

Бундай имтиёз ҳуқуқига эга бўлган аёллар учун уч кунлик отпуска бошқа қўшимча отпускалар билан (соғлиғига зарар иш билан шуғулланадиган, иш стажини давомийлигига ва ҳоказо) бирга қўшганда жами отпусканинг давомийлиги 28 календарь кундан ошмаслиги керак. Масалан, комбинат ишчиси бўлмиш аёлнинг 12 ёшгача икки боласи бор дейлик, ҳар йилги отпускасидан ташқари зарарли иш билан шуғуллангани учун қўшимча 6 иш куни ва иш стажини давомийлиги учун 3 кун отпуска олади, жами отпуска куни миқдори 21 иш кунига ёки 24 календарь кунига тўғри келади. Бунда шунингдек, қарорда кўрсатилганидек, 3 кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча отпуска ҳам берилиши шарт.

12 ёшгача икки ва ундан ортиқ болалари бўлган аёллар учун болаларга қараб туриш мақсадида иш ҳақи сақланмагани ҳолда икки ҳафталик қўшимча отпуска ҳам берилади. Маъмурият ишлаб чиқариш шароитига қараб, бундай отпускани қайси вақтда берилишини ходим билан келишгани ҳолда амалга оширади.

САРСОНГАРЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Мен бу йил «Ўқитувчилар газетаси», «Тошкент оқшоми» газеталари ва «Шарқ юлдузи», «Математика в школе», «Саодат» журналларига обуна бўлгандим. Шу пайтгача «Математика ва школе» ва «Саодат» журналларининг бирорта сонини олганим йўқ. Бу тўғрида бир неча бор 187-алоқа бўлими ва район «Союзпечать» агентлигига мурожаат қилдим. Улар кишини сарсон қилишдан нарига ўтишмаяпти. Шу тариқа ўртада сарсон бўлиб юрибман.

Х. ЙЎЛДОШЕВА.

Р. РАХМАТУЛИНА,

187-алоқа бўлимининг бошлиғи.

— Куйбишев районига қарашли 187-алоқа бўлимида тажрибали ходимлар хизмат қилишади. Улар обуналарни вақтида етказиб турадилар. Х. Йўлдошева шикоятига келсак, у бир неча бор бизга мурожаат қилган. Биз унинг талабини тўла қондирдик. Х. Йўлдошева апрель ойидан бошлаб олмаган журналларини тўла олмоқда. Ўз вақтида унинг талабини қондира олмаганимиз учун биз ундан узр сўраймиз.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўз вақтида шикоятга эътибор берилиб Х. Йўлдошева талаби қондирилиши мумкин эди. Чунки апрель ойигача иккала журналнинг карточкаси район «Союзпечать» агентлигида ётган. Бу муаммони телефон орқали ҳам аниқлаш ва тегишли чорани қўллаш мумкин эди. Афсуски алоқа бўлими маъмурияти ҳам, район «Союзпечать» агентлиги ходимлари ҳам «Бор отангга, бор онангга» қабилида иш тутишган. Редакциядан қўнғироқ қилиниб бу сарсонгарчиликнинг сабаби аниқлангандагина Х. Йўлдошева талаби дарҳол қондирилди. Бу қандай масъулиятсизлик? Меҳнаткашлар шикоятига Куйбишев район «Союзпечать» агентлиги раҳбарлари нега бундай совуққонлик билан қарашади?

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Шарқ дарвозаси — Тошкент йил сайин тобора гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда янгидан-янги ажойиб, кўркам бинолар қад кўтармоқда. Уларнинг архитектура қиёфаси замонавий талабларга мос, ранг-баранг бўлишига ҳаракат қилинмоқда.

СУРАТДА: Собир Раҳимов районида қад кўтарган янги осмонўпар турар жой биноларидан бири.

В. Сироткин фотолари.



Янгиликлар, воқеалар, фактлар

• *Олий ўқув юртларида*

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида чет тиллари бўйича республика олимпиадаси ўтказилди. Бу олимпиада ВЛКСМнинг XIX съезди ва СССРнинг 60 йиллигига бағишланди. Олимпиадада республиканинг юқори малакали чет тиллари ўқитувчилари тайёрлайдиган учта университет ва тўққизта педагогика институтлари командалари қатнашишди.

Олий ўқув юртлари командалари ичида Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти командаси биринчи ўринни, А. Навоий номли Самарқанд давлат университети командаси иккинчи ўринни ва В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг командаси учинчи ўринни эгаллашди.

Жюри қарори билан 12 нафар энг яхши натижаларга эришган олимпиада ғолибларидан шу йилнинг декабрь ойида Олмаота, Минск ва Тбилиси шаҳарларида ўтказиладиган инглиз, немис ва француз тиллари бўйича «Студент ва фан-техника тараққиёти» Бутуниттифоқ олимпиадасида иштирок этувчи республикамиз командаси тузилди.

Олимпиада ғолиблари 9 нафар студент Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлари билан тақдирланди. Бухоро педагогика институтининг немис тили ва Самарқанд давлат университетининг инглиз тили бўлимлари чет тилларидан етук кадрлар тайёрлашдаги ютуқлари учун Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълими ҳамда Маориф министрлиги ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

К. ЖУМАНИЁЗОВ.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Ўзбекистон проспекти манзараси тасвирланган.
М. Нуриддинов фотоси.

• *Меросимиз хазинасидан*

Уйғур адабиёти классиги

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қўлёзмалар институти олимлари томонидан тайёрланаётган «Шарқ классиклари меросидан» номли шеърий гулдасталар кўп сонли китобхонларга ғоят манзур бўлмоқда. «Шарқ классиклари меросидан» серияси фақат ўзбек классик адабиёти билан чегараланиб қолмай, балки Шарқ халқларининг бадиий тафаккурига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган, кўп асрлардан буён халқларимизнинг маънавий йўлдоши бўлиб келаётган форс-тожик, озарбайжон, туркман, уйғур ва бошқа адабиётлар намояндаларининг шеърий меросларини ҳам ўз мавзу доирасига қамраб олмоқда. Бу ўринда биз уйғур халқининг атоқли шоири Билол Нозим шеъриятидан тузилган тўплам ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Билол Нозим (1824—1899) уйғур адабиёти тарихидан шарафли ўрин эгалловчи истеъдодли шоирлардан биридир. У уйғур халқи Хитойнинг ҳукмрон доираларига ва маҳаллий эксплуататорларга қарши бир неча миллий-озодлик қўзғолонларига кўтарилган бир даврда яшади. Бу қўзғолонларнинг шафқатсиз бостирилиши уйғур ва Синцзяндаги бошқа халқлар бошига оғир кулфатлар келтирди. Билол Нозим ана шундай бир даврда яшаб халқ сафида бўлди, ўз қаламини билан халқнинг кураш тарихини бадиий акс эттиришга интилди. У ҳақиқий ватанпарварликни кўтаринки руҳ билан куйлади, эркесвар ва мардона деҳқонларни улуғлади. Билол Нозим шеърияти шу жиҳатлари билан биз учун аҳамиятлидир.

Тўпламни туркий халқлар шеършунослиги бўйича йирик мутахассис, филология фанлари доктори Мурод Ҳамроев тузган. Шеърларни Мурод Ҳамроев билан филология фанлари кандидати Ваҳоб Раҳмонов уйғурчадан ўзбек тилига ағдарганлар. Қўлёзмани нашрга тайёрлашда муҳаррир—филология фанлари кандидати Эркин Аҳмадхўжаев ҳам катта меҳнат қилган.

Китоб Мурод Ҳамроевнинг Билол Нозим ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ихчам сўз бошиси билан бошланади (3—6-бетлар). Сўзбошида муаллиф шоирнинг қисқа таржимаи ҳоли, шоир яшаган даврда Синцзян халқларининг миллий-озодлик ҳаракатлари, шоир ижодининг тематикаси, ғоявий йўналиши ва уйғур адабиёти тарихида тутган ўрни, рус шарқшуноси Н. Н. Пантусов томонидан Билол Нозим ижодининг ўрганилиши ва ниҳоят, шоир асарларининг уйғур ва бошқа қардош тилларда оммалашуви ҳақида қимматли маълумот беради.

Жанрларни жойлаштиришда шарқ девон тузиш қоидаларига риоя қилиниб, тўплам таркибидан 94 ғазал, 1 мустазод, 2 мураббаъ, 2 мухаммас, 2 мусаддас жой олган. Умуман, Билол Нозимдан бизгача етиб келган лирик мероснинг асосий қисми ушбу китоб таркибига киритилган.

Нозим лирикасини мутолаа қилиш, шуни кўрсатадики, у ўзига замондош шоирлар ичида оригинал услуби, шеърларининг замон билан ҳамнафаслиги ва халқ ижодига яқинлиги билан ажралиб туради. Шоир ишқий мотивларни даврнинг муҳим ижтимоий ғоялари билан боғлаган ҳолда куйлади. Унинг шеъриятдаги ҳақиқатгўйлиги ҳукмрон доираларга ёқмади, у қадрсизланди. Бироқ Нозим ватани ва халқи уни ҳеч қачон унутмаслигини, ўзининг тарих олдидаги ҳақиқий баҳсини албатта олажагини тўпламга кирган 11-ғазалда фахрия йўли билан шундай ифодалайди:

Ёмон кўрманг мени, дўстлар,
эгамнинг бир қулидурман,
Киши қадримни билмайдур,
Ватаннинг гавҳаридурман,
Киши билмас, латиф сўз
дурларини эл уза сочдим,
Ки сўз бобига келганда
суханварлар дуридурман.

Кўпчилик ғазаллар ва бошқа шеърларнинг қофия ва радифларидаги равонлик, жарангдорлик, мисраларнинг қисқалиги, байтлардаги ички қофиялар Нозим шеърларини уйғур халқ қўшиқларига жуда яқинлаштиради.

Нозим шеърлари китобида баъзи жузъий нуқсонлар ҳам содир бўлган. Нозим ғазалларини кўчиш жараёнида байтларнинг қофия тартибида бир хусусият кўзга ташланади. Ғазалнинг қонуний матлаъдан ташқари унинг олдида яна бир қофияли байт орттирилади. Масалан: китобнинг 11-бетидаги ғазалда 1-байт:

Гулмиди, ғунчамиди, ёрим
сеннинг бошингдаги,
Кечда таний олмадим, кимлар
эди қошингдаги.

Кейинги байтларнинг қофияси: етарим келадур, ёрим келадур, анорим келадур, навбаҳорим келадур, ҳуморим келадур. Ғазалга бундай қўшимча матлаъ орттириш 17, 81—93-бетлардаги шеърларда ҳам мавжуд.

Ғазалларни жойлаштиришда девон тузишдаги алифбо тартибига риоя қилинмаган. Ваҳоланки, тўпламда ҳамма ҳарфларга ғазаллар бор. «Шарқ классиклари меросидан» туркумида босилаётган бошқа китобларда ғазалларни жойлаштиришда алифбо қоидасига диққат этилмоқда.

Билол Нозим шеърларини ўзбек тилига ўгиришда вазн ва қофия қоидаларига эски услуб сақланган ҳолда айрим ўринларда бу қоида бузилган. Масалан: китобнинг 9-бетидаги ғазални олайлик: ҳамма мисраларда чиқиш келишик қўшимчаси— дин сақлангани ҳолда иккинчи байтда бу қўшимча —дан шаклида ёзилган.

Шу ғазалда энг сўнгги байтни олайлик:

Гар топай десанг Билол ул
моҳрўйнинг васлини,
Ботинингда йиғла ҳаққа,
зоҳирингда бўл хамуш.

Бу ерда «хамуш» деб ёзилгани учун вазн ҳам, қофия ҳам бузилган. Бизнингча «хомуш» деб ёзилганда вазн ҳам, қофия ҳам мусиқий бўлар эди. Шунга ўхшаш нуқсонлар яна бир неча ўринда бор.

Бундай жузъий камчиликлардан қатъий назар, Билол Нозим шеърлари ўзбек китобхонларига тақдим этилгани муҳим аҳамиятга эга. Тўпламнинг рус тилидаги тексти ҳам яқин кунларда чоп этилиб кўп сонли китобхонларни мамнун этади деб умид билдирамиз.

М. ҲАКИМОВ,
филология фанлари кандидати.

• *Санъат хабари*

«ЛАЗГИ» ТОЖИКИСТОНДА

Ўзбек Давлат филармониясининг бадиий коллективлари шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига атаб янги программа тайёрлашмоқда. Мамлакатимиз ҳаётидаги ана шу муҳим санани муваффақиятли нишонлаш учун белгиланган тадбирлар планида пахтакорлар ва чорвадорлар ҳузурида концертлар бериш, республикамизнинг барча областлари ва қардош республикаларда гастроль сафарлари ўтказиш ва бошқа бир қатор режалар белгиланган.

Филармониянинг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов раҳбарлигидаги «Лазги» ансамбли коллективи қардош Тожикистон пойтахти Душанба шаҳрига учиб кетишди. Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР Давлат филармониялари шартномасига мувофиқ «Лазги» коллективи республиканинг пойтахти ва кўплаб шаҳарлари меҳнаткашлари ҳузурида ўндан ортиқ концертлар қўйиб беришади. Ансамбль қардош республикага гастроль сафарига атаб махсус программа тайёрлади. Ундан ўзбек ва тожик халқ классик ашулалари, халқлар ўртасидаги дўстликни улуғловчи тароналар, куй ва қўшиқлар жой олган. Айни пайтда ансамбль репертуарида замонавий ўзбек композиторларининг асарларига ҳам катта эътибор берилган.

• *Маданият янгилиги*

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Куни кеча Ўзбекистон театр жамиятида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент шаҳрида ўтказилаётган VII халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон театр ва концерт ташкилотларининг кўзга кўринган санъат арбоблари, саҳна усталари, бастакорлар ва хушовоз хонандалар иштирок этдилар. Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Сора Эшонтўраева халқаро киноанжуман қатнашчиларига республика театр намояндалари номидан ташаккур билдирди ва ҳозирда республика театр ва концерт ташкилотларида қилинаётган ва қилинажак ишлар ҳақида гапириб берди.

Бу ижодий учрашув сўнггида катта концерт намойиш қилинди.

Р. ОРИПОВ.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Селекциячилар ютуқлари

БУДАПЕШТ. Венгер селекциячилари ўтган йилги қилган меҳнати якунланди. ВХР мутахассислари етиштирган 17 та янги нав серҳосил экинлар рўйхатига қўшилди. Уларнинг ҳаммаси Умумвенгрия ўсимликлар селекцияси кенгашининг бу ерда ўтказилган мажлисида қайд этилди. Булар орасида маккажўхори, кунгабоқар, буғдойнинг янги навлари бор. Тез орада улар республика қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда қўлланилади.

Ўсимликлар селекцияси махсус марказлари тармоғини кенгайтириш — ВХРда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳозирги вақтда Венгрияда 28 та илмий-тадқиқот институти ва кафедраларнинг мутахассислари селекция масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Мамлакатнинг энг катта илмий тадқиқот муассасаларидан бири — Кечкематдаги сабзавотчилик институтида янги навларни етиштириш ишлари ҳажми кейинги беш йил ичида салкам икки ҳисса кўпайди. ВХРда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда тобора муҳим роль ўйнаётган Геделладаги қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институтида бир неча янги лаборатория очилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ТЕХНИКА

БЕРЛИН. ГДРда шу беш йилликда турли қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 47 процент ортади. Айни вақтда запас қисмлар ишлаб чиқариш қарийб 50 процент кўпаяди,— деди ГДР умумий қишлоқ хўжалик ва транспорт машинасозлиги министрининг ўринбосари Фридрих Вильде журналистларга.

Республиканинг 50 тадан кўпроқ корхонасини бирлаштирувчи «Фортшрит» қишлоқ хўжалик машиналари комбинати бу вазифани бажаришга ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқда. Комбинат қишлоқдаги социалистик ўзгартишларни амалга оширишда муҳим роль ўйнаб, кооператор деҳқонларни серунум меҳнат қуроллари билан таъминлади. Ҳозирги вақтда комбинатнинг ишлаб чиқариш программасида машиналар ва қишлоқ хўжалик агрегатларининг 1000 га яқин турли типлари кўзда тутилган. «Фортшрит» маркаси қўйилган трактор ва комбайнлар дунёнинг қарийб 30 давлатида, шу жумладан Совет Иттифоқида ишлаб турибди.

Резервларни қидириб

СОФИЯ. БКП XII съезди ўртага қўйган муҳим вазифа —халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида хом ашё, ёқилғи ва энергияни анчагина тежашга эришиш вазифасини Болгария меҳнат коллективлари муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

Яқинда ўтказилган тежамкорлик миллий конкурси якунларига кўра, унда қатнашган республиканинг 635 та корхонаси ва хўжалик ташкилоти орасида Козлодуйдаги атом электр станцияси коллективи биринчи ўринни олди. Плевен округи, София шаҳри ва София округининг завод ҳамда фабрикалари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар.

Автомобилсозлар ҳам резервларни қидириб топмоқдалар. Улар юк автомашиналари даги бензин билан ишлайдиган моторларни дизель ёқилғиси билан ишлайдиган моторлар билан алмаштиришга киришдилар.

ИНСОН ҚЎЛИ БИЛАН

ХАНОЙ. Вьетнам тарихида биринчи марта мамлакатнинг энг серсув дарёларидан бири— Қора дарё инсон қўли билан очилган ўзандан оқа бошлади. Хоабин гидроузели қурилишида ишлар графигига ўнг соҳилдаги канал қуриб битказилди. Бу эса кузда бошланадиган навбатдаги қурғоқчилик мавсумида дарёни тўсишга киришиш имконини беради.

Дастлабки ёмғирлар ёғиб, дарёнинг сатҳи кўтарилганлиги гидроиншоотчилар учун бирталай қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шунга қарамай, ишлар ҳажми бажарилди, канал лойиҳа белгиланган чуқурликда қазилди ва энди секундига ўн минг куб метрдан кўпроқ сув оқимини ўтказа олади.

«Нян зан» газетаси қурувчиларнинг муваффақиятини шарҳлаб, совет мутахассислари раҳбарлигида йўлга қўйилган ишлар аниқ ва пухта ташкил этилганлиги шу муваффақиятга эришилганини таъкидлайди.

БУДАПЕШТ. «Икарус» салонида (суратда) харидорлар учун кенг ассортиментда трикотаж буюмлари ва тайёр кўйлаклар тайёрлаб қўйилган.
МТИ—ТАСС фотоси.

Ишчилар факультети

КОБУЛ. Яқинда Афғонистондаги энг катта олий ўқув юртида Кобул университетининг «Ишчилар факультети» деган ном пайдо бўлди. Бу ерда ишчилар ва деҳқонларнинг болалари, мамлакат меҳнат аҳли барча табақаларининг вакиллари ўқимоқдалар. Ҳозир улар Афғонистоннинг барча вилоятларидаги турли элатларнинг йигит-қизлари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг аъзолари, партия активлари бўлиб, 200 кишидан ошади. Уларнинг ҳаммаси ўз ватанига хизмат қилиш учун билимларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Рабфак илмий кадрлар ва инженер кадрлар тайёрлаш системасида алоҳида ўрин тутади, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Кобул университетининг ректори А. Хабиб. Ҳозир мамлакат халқ хўжалигига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз ишини биладиган уддабурон мутахассислар ғоятда зарур. Шунинг учун ҳам ишчилар факультетининг очилиши республиканинг миллий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги муҳим проблемаларини ҳал этишда ўз вақтида қўйилган муҳим қадамдир, деб таъкидлади А. Хабиб.

СССР билан ҳамкорликда

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон саноат, пўлат ва шахталар министри Н. Д. Тивари Висакхапатнамда олиб борилаётган қурилиш ишларининг боришига юксак баҳо берди. Бу ерда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан металлургия комбинати қурилмоқда. У завод қурилишини кўздан кечиргач: «завод қурилиши графикка мувофиқ аниқ равишда олиб борилмоқда. Ҳинд ишчилари ва қурувчилари, совет мутахассислари катта-катта муваффақиятларга эришдилар», деди.

Висакхапатнамдаги металлургия комбинати — қора металлургия соҳасида Совет— Ҳиндистон ҳамкорлигининг учинчи объектидир. Заводнинг биринчи навбатини 1985 йилнинг охирига бориб фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Шу кунларда корхона коллективи қизғин меҳнат қилмоқда. Биринчи домна фундаменти қўйилиб бўлди. Унинг учун Украинадан дастлабки 200 тонна конструкция келтирилди. Энди кокс батареялари, прокат цехи ва пўлат қуйиш цехи, саралаш фабрикаси учун бетон пойдеворлар қурилади. Ҳозир заводни тошйўл билан боғлайдиган кўп қаторли йўлга бетон ётқизилмоқда, сув канали қазилмоқда, темир йўл излари тортилмоқда, дастлабки уй-жой кварталлари қад кўтармоқда.

Завод тўла қувватга эришгач, йилига 3,4 миллион тонна пўлат ишлаб чиқаради, у юқори сифатли пўлат ва шундай пўлатдан ишланадиган буюмлар, биринчи навбатда балка, арматура, сим чиқарадиган бўлади. Саноат ва уй-жой қурилиш кўламлари кенгайиши муносабати билан бу маҳсулотлар мамлакатга ғоятда зарурдир.

Ҳиндистон металлургия саноатининг тараққиёти СССР билан қалин ҳамкорликда амалга оширилмоқда, деб ёзади «Нешнл геральд» газетаси. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ҳиндистоннинг иқтисодий картасида Бхилаи ва Бокаро улкан металлургия комбинатлари пайдо бўлди. Шу заводларнинг ўзигина мамлакатда қуйилаётган пўлатнинг 40 процентга яқинини беради. Заводларнинг маҳсулоти Ҳиндистондагина эмас, чет элларда ҳам харидоргир бўлмоқда, деб ёзади газета. Бу маҳсулотлар жаҳоннинг қирқдан кўп мамлакатига, шу жумладан Совет Иттифоқига ҳам юборилмоқда.

А. БОХОНЬКО.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. МАНСУРОВ: Мени ишчи ва хизматчиларга ҳар йили бериладиган отпускалар графигини белгилаш тўғрисидаги маълумот қизиқтиради. Шу юзасидан бўлган илтимосимни бажарсангиз.

Жавоб: Маълумки, отпускалар графиги маълум корхона, муассаса(цех, участка) ишчи ва хизматчиларга отпуска бериш навбати кўрсатилган жадвалдир. У ҳар бир календарь йили учун жорий йилнинг 5 январидан кечикмай тузилади. Отпускалар графиги маъмурият томонидан фабрика завод маҳаллий комитети билан келишиб тасдиқланади ва барча ишчи ва хизматчиларга маълум қилинади. Отпускалар графигига мувофиқ отпускалар бутун йил давомида исталган вақтда берилиши мумкин, лекин корхона ёки муассасанинг иши нормал издан чиқмаслиги керак. Одатда, отпускалар графиги бутун йил давомида бир меъёрда ва кетма-кет отпускага чиқиш тартибини белгилайди. Отпускаларнинг бошланиш муддатлари ҳар ойнинг 1 ва 15 числоларига тўғриланмайди, балки бутун ой кунларига тақсимланади. Қонунга биноан, вояга етмаганлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар состави ёзда отпуска олиш ҳуқуқига эгадирлар. Коллектив шартномаларда ходимларнинг айрим категорияларига (масалан, меҳнат ветеранларига, ёш болали оналарга, кечки ва сиртқи олий ўқув юртларининг студентларига) ёзда отпуска бериш тўғрисида локаль нормалар бўлиши мумкин. Меҳнат интизомини бузувчиларга отпускаларни, одатда, иқлим шароити энг ноқулай бўлган даврларда бериш планлаштирилади. Маъмурият ва фабрика-завод маҳаллий комитети отпускалар графигини тасдиқлаётганда ходимнинг соғлиғи, санаторий-курортда даволаниш зарурати ва бошқаларни ҳисобга олади. Тасдиқланган отпускалар графиги маъмурият ва ходимлар учун мажбурийдир. Отпускалар графигига риоя қилмаган ҳолда отпуска беришга фақат қатъий белгиланган ҳолларда гина йўл қўйилади. Масалан, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолганда, у давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда отпуска бошқа вақтга кўчирилиши ёки узайтирилиши лозим.

БОҒДОРЧИЛИК-УЗУМЧИЛИК ҲАМДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

1982 йил 4 июндан бошлаб ҳар ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари Коммунистик кўчасидаги автостанция — «Дала ҳовли» оралиғида («Прогресс» совхозининг иккинчи бўлими, Қўйлиқ, «Политотдел» колхози орқали) маршрутли автобуснинг қатнови йўлга қўйилади.

Ҳафтанинг қолган кунлари маршрут «Политотдел» колхозига қадар ишлайди. Тошкентдан биринчи рейс соат 7 дан 50 минут ўтганда, сўнгги рейс соат 20 дан 25 минут ўтганда жўнайди. Ҳаракат интервали 50 минут.

Тошкент область пассажирлар ташиш автомобиль трести.

ТУЗАТИШ

Шу йил 1 июнда «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзодлар рўйхатида ноаниқликка йўл қўйилган. 55-сайлов округи бўйича — **Никитин** Олег Константинович; 129-сайлов округи бўйича — **Удодова** Людмила Владимировна; 185-сайлов округи бўйича— **Лохматов** Геннадий Николаевич; 196-сайлов округи бўйича— **Нодирова** Марьям депутатликка номзод этиб рўйхатга олиндилар.

Шаҳар сайлов комиссияси.

• «ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

«ДИНАМО» (Тбилиси)

БУГУН.

Марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида иштирок этётган «Пахтакор» Тбилисининг «Динамо» командаси билан навбатдаги тур учрашувини ўтказади.

«Пахтакор»нинг бугунги рақиби бўлган команда 1925 йилда ташкил қилинган. Орадан ўн бир йил ўтгандан кейин у олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган. Шундан буён грузиялик футболчилар олий лигани тарк этишгани йўқ.

Команда илк муваффақиятни 1964 йилда қўлга киритган. Тошкентлик мухлислар бу қизиқарли учрашувнинг гувоҳи бўлишган. Чемпионат якунида Москванинг «Торпедо» ва Тбилисининг «Динамо» командалари тўплаган очко тенг бўлиб қолган. Чемпионни аниқлаш учун қўшимча учрашув ўтказишга тўғри келган. «Пахтакор» стадионида бўлган бу учрашувда тбилисилик футболчилар ғолиб чиқиб, мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритишган. Ўшанда командага хизмат кўрсатган спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер Гавриил Дмитриевич Качалин устозлик қилар эди.

1978 йилда Грузия пойтахтининг футболчилари яна юксак унвонга сазовор бўлишди. Бу сафар уларни катта муваффақиятга олиб келган киши спорт мастери, СССР ва Грузия ССРда хизмат кўрсатган тренер Нодар Парсаданович Ахалкаци бўлди.

Ўтган йили Грузиянинг энг яхши клуби мамлакатимиздаги барча футбол мухлисларини хурсанд этди. У Европа мамлакатлари кубок эгалари командалари ўртасида ўтказилган турнирда ғолиб чиқди.

Грузиялик футболчилар жуда кўп марта мавсумни иккинчи ва учинчи ўринда якунлашган. Бу нарса команданинг ўзига хос ўйин услуби, резерви, тактикаси борлигини кўрсатади. Энг омадсиз қатнашган йилларда команда якуний жадвалнинг тўққизинчи поғонасидан жой олган.

Команда СССР биринчилигида шу мавсумнинг бошланишига қадар 1168 учрашув ўтказган, 535 учрашувни ғалаба билан якунлаб, 336 учрашувда очколарни тенг бўлашиб олган, 297 учрашувни бой берган. Команда ўйинчилари рақибларининг дарвозасини 1892 марта нишонга олишган. Йирик ҳисобда ғалабага эришган пайтлари ҳам бўлган. Жумладан, 1948 йилда Москванинг «Локомотив» командасини 9:2 ҳисобида мағлубиятга учратган. Қизиғи шундаки, орадан саккиз йил ўтгандан кейин москвалик темирйўлчилар грузиялик футболчилардан алам ўчини олишган. Улар ҳам 9:2 ҳисобида ғалабага эришганлар. Команданинг қўлга киритган совринлари, мукофотлари жуда кўп.

Автондил Гогоберидзе команда шарафини энг кўп ҳимоя қилган ўйинчи ҳисобланади. У 341 марта учрашув ўтказган. Командада ўйнаган даврда рақибларнинг дарвозасига 127 марта тўп киритган. 1950 йилда эса бир мавсумда 25 марта тўп киритиб ўзига хос рекорд ўрнатган.

Команданинг жуда кўп ўйинчилари мамлакат терма командаси составида майдонга чиққанлар.

ТИНЧЛИККА БЎЛГАН МУДДАОНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИ

УЛАН-БАТОР. Монгол халқи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев баён этган Совет Иттифоқининг янги ижобий тинчликсевар таклифларини қизғин маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди, деди Монголия Тинчлик ва Дўстлик ташкилотлари федерацияси Ижроия комитетининг Раиси, тинчликни ҳимоя қилиш Монголия Комитетининг Раиси Н. Чувсанчултэм.

СССРнинг янги тинчлик ташаббуслари халқаро вазият жиддий кескинлашган ҳозирги шароитда ғоят муҳимдир, деди у. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XIX съездида сўзлаган нутқи КПСС, совет давлати ташқи сиёсат соҳасидаги изчил фаолиятининг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

* * *

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Л. И. Брежнев ВЛКСМ XIX съездида баён этган янги совет тинчлик ташаббуслари қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш ҳамда халқаро вазиятни яхшилаш тўғрисида конструктив музокаралар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратиб беради, дейилади Ғарбий Берлин Бирлашган Социалистик партияси раҳбарлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида.

Баёнотда, шунингдек Совет Иттифоқининг муҳим халқаро проблемаларини ҳал этишга бундай ёндашуви «барча давлатларнинг манфаатларига мос келади» деб таъкидланади. Тинчлик учун изчил кураш олиб бориш социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ташқи сиёсатининг бош мазмунидир, деб уқтириб ўтилади яна баёнотда.

* * *

КОЛОМБО. Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XIX съездида сўзлаган нутқи— Совет Иттифоқининг тинчлик ва халқаро хавфсизликка бўлган астойдил муддаосининг ёрқин далилидир, деди Шри-Ланка Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари К. П. Сильва. Бу нутқ бутун планетадаги тинчлик учун курашчиларни илҳомлантириб, халқларнинг ядро ҳалокати олдини олишга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Совет раҳбари КПСС ишлаб чиққан тинчлик программасига мувофиқ иш тутиб, бир қанча янги конкрет, ижобий ташаббусларни ўртага қўйди. Бу ташаббуслар стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартиришга қаратилгандир.

Музокаралар бошланиши биланоқ СССР ва АҚШнинг стратегик қуролларини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида келишиб олишга тайёр эканлик тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев билдирган фикр алоҳида аҳамиятга эгадир, деб айтди К. П. Сильва.

* * *

КАРАКАС. «Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасидаги конкрет куч-ғайратларидан ҳам кўра кескинликни юмшатиш ва тинчлик йўлидаги чинакам муддаонинг ишончлироқ далили бўлган эмас ва бўлолмайди ҳам», деди Венесуэланинг таниқли жамоат арбоби Антонио Хосе Эррера Оропеса. СССР ҳукумати ялпи хавфсизлик манфаатлари йўлида мамлакатнинг Европа қисмида ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарни жойлаштиришни тўхтатиб туришни эълон қилибгина қолмай, шу билан бирга мавжуд қурол-яроғлар миқдорини қисқартиришга кирди.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 да

ОТЛАР ПОЙГАСИ

ПРОГРАММАДА: анъанавий ютуқлар ва номли мукофотлар ўйини.

Отчопарда ҳар хил ўйин аттракционлари ишлайди.

От пойгасида Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг колхоз, совхоз ва от заводларидаги энг яхши отлар қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ишлайди.

Отчопарда совуқ ичимликлар билан савдо қиладиган буфетлар Сизнинг хизматингизда.

Сиз бутун йил давомида ишлайдиган прокатдан (душанба кунидан ташқари) фойдаланишингиз мумкин. Отда ва тройкада сайр қилиш мумкин.

Отчопар корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан отни миниб юришга прокатга бериш учун шартномалар тузади.

Аҳолидан тўй тантаналарида сайр қилиш учун рус тройкаларига заявкалар қабул қилинмоқда.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов станцияси»). Телефонлар: 76-82-18, 76-82-19, 76-29-34.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ:

5, 6 июнда— А. ВИНОГРАДОВнинг «Черний консуль» китобига ҳар бир қабул пунктида 180 тадан абонемент берилади.

М. ДРЮОНнинг «Железний король» китобига эса ҳар бир қабул пунктида 20 тадан абонемент берилади.

12, 13 июнда— М. ДРЮОНнинг «Французская волчица» китобига ҳар бир қабул пунктида 200 тадан абонемент берилади.

Қабул пунктлари-магазинлари чоршанба, пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари ишлайди. Дам олиш кунлари душанба ва сешанба.

Абонементлар шанба ва якшанба кунлари тарқатилади, бошқа кунлари эса абонемент талонларининг тўла комплектига етмаган макулатуралар қабул қилинади ва 52—01 прейскурантига биноан макулатуралар ва иккиламчи хом ашёлар чекланмаган миқдорда олинади.

Қабул пунктлари магазинлари соат 10.00 дан 18.00 гача (13 дан 14.00 гача танаффус)ишлайди..

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 15;

2 — Форобий кўчаси, Чигатой дарвоза маҳалласи (38, 100, 76, 104, 120-автобусларнинг «Чигатой дарвоза» бекати).

3— Қуйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қуйлиқ» бозори» бекати);

4— Ташавтомаш массиви. (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати);

5—Уйғур кучаси (Кукча колхоз бозори);

6— Янгиобод массиви.

7— Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати);

8 — Фарҳод ярмаркаси.

9—3. Сайд кўчаси (8-трамвай; 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати);

10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сўнгги бекати);

11—2/4-Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати).

12—Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида; ҳод бозори» бекати);

13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 62-квартира;

14—Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а» уй, 1-квартира;

15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй;

16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фар-

17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва кафеси» бекати);

18— Спутник массиви, марказ 3, 5-уй;

19— Ж. Обидова кўчаси (19-автобус, 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати);

20— Олой бозори;

21—Чилонзор массиви, 20-квартал, Сегизбоев кўчаси.

22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).

23—ТошМИ массиви (10, 28-автобусларнинг сўнгги бекати);

24—Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй;

25—Бирлашган кучаси, автостанция;

26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).

27—Юнусобод массиви, А—3,

28 — Первомайск колхоз бозори;

29—Строительная кўчаси, 38-уй;

30 — 2/1-Қорақамиш массиви (Колхоз бозори).

31— 2-Қуйлиқ массиви, Савдо маркази;

32—Луначарское шоссеси, 301-уй;

33—Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.

34—Улуғбек посёлкаси, ядро физика институти.

35— У. Юсупов кучаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

36— Октябрь массиви Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати).

37— 2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-Қорасув» бекати).

38 — Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй. 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар магазини» бекати).

39— 3-турар жой массиви, Шолохов кўчаси, 1 «а» квартали.

40 — Чилонзор массиви, 14-квартал, (4, 9, 19-трамвайларнинг, 53 64, 79- автобусларнинг «Бирлик», «Чўпон ота» бекати).

41 — Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.

43 — Сергели массиви, Савдо маркази.

44 — Сергели — 3 массиви.

45 — 5-Атоий кўчаси, 6«а»-уй (8, 17-трамвайлар, 64-автобуснинг «Чевар» бекати).

46 — Юнусобод массиви, С—Б—4А микрорайони (60, 72-автобусларнинг сўнгги бекати).

47 — Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй (9, 10, 8, 24- трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

49 — Павлов кўчаси, 10-уй (5, 12-авботуслар, 2, 5-трамвайларнинг «Вино заводи» бекати).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида макулатуралар фақат турлари бўйича алоҳида-алоҳида қилиб ўралган ҳолда қабул қилинади. Масалан, газеталар алоҳида, китоб-журналлар алоҳида, рўзғор картонлари ва ўраш қоғозлари алоҳида.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА АБОНЕМЕНТЛАР ОЛИШ УЧУН МАКУЛАТУРАЛАРНИ ФАОЛ ТОПШИРИШ АДАБИЁТЛАРНИНГ КИТОБ САВДО ТАРМОҚЛАРИГА ТЕЗРОҚ КЕЛИБ ЕТИШИ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

«ВТОРСИРЬЕ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/VIда **Ноднрабегим**, 6/VI да ҳар тўнисда бир айб.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эмиль КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион аттракционининг хайрлашув гастролари.

КИНО

4 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Ҳамза номли** (17, 20.30, телефон 91-10-51). **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76), **Тинчлик** (18.30, 21.00). **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.30, телефон 78-47-25).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«АСРИМИЗ ҮҒИРЛИГИ» — **Хива** (ёзги бинода, 22.00, телефон 32-78-02).

5 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Ҳамза номли** (12, 14.30, 17, 20.30, телефон 91-10-51).

«ИЛОН ЙИЛИ»— **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76). **Тинчлик** (12.30, 15.30, 18.30, 21.00). **Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.30, телефон 78-47-25).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«АСРИМИЗ ҮҒИРЛИГИ» — **Хива** (ёзги бинода, 22.00, телефон 32-78-02).

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИҚҲУЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Розия НАЗАРОВА, Санобар РАҲИМОВА, Валентина ПАШКОВА, Ноила НУРМУҲАМЕДОВА, Ўсар ЮСУПОВ.

VI Жаҳон фестивалининг лауреати Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли

Программани — Мамасоли ҲОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари— Рустам МАМАТМУРОДОВ.

Касса соат 14.00 дан ишлайди.

СУМКАЛАР— ДОИМИЙ ЙЎЛДОШИНГИЗ

Улар ишга ёки меҳмонга борганда, шаҳар ташқарисига чиққанда ёки театрга борганда, командировкага ёки отпускага чиққанингизда ҳамиша керак бўлади.

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДАН СИЗ ТУРЛИ-ТУМАН СУМКАЛАРНИ ҲАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

хотин-қизларнинг рўзғорбоп, сафар ва пляж учун мўлжалланган, спортчилар учун мўлжалланган сумкалари, мамлакатимизда ва чет элларда (Венгрия, ЧССР, Болгария, Югославия, Польша, ГДРда) табиий ва сунъий чармдан ишлаб чиқарилган, ҳар хил рангдаги ва шакldаги— тўғри тўрт-бурчак, узунчоқ, ясси, «кнопка» ва «молния» билан ёпиладиган, ички ва ташқи чўнтаклари бўлган, бир ва қўш бандли портфеллар, чемоданлар, гилофлар, ҳамёнлар, қўл сумка-ҳамёнлари шулар жумласидандир.

СУМКАЛАР МОДАГА МОС ЭЛЕМЕНТЛАР — ТАСМАЛАР, МЕТАЛЛ ТАҚИНЧОҚЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН.

ГУМ.

СИЗ ДАМ ОЛГАНИ КЕТАЯПСИЗ

Мактабларда яна бир ўқув йили тугади. Ҳадемай болаларнинг аксарияти пионер лагерларига, денгиз бўйига, тоғларга жўнаб кетади.

Болаларингиз билан отпускага жўнаб кетишга ҳозирлик кўрар экансиз, ёки уларни пионер лагерига дам олгани тайёрлар экансиз, уларнинг турли ўйинлар ўйнаш, чўмилиш, саёҳатга чиқиш учун зарур буюмлари борми, иссиқ ва салқин кунларга мос кийимлари бутми, албатта текшириб кўринг.

Ўқувчиларга пионерлар ва спорт формалари, шунингдек — кўйлак, юбка, шим, кофтача, калта шимлар керак.

Болалар трикотаждан тикилган кийимларни жуда яхши кўришади. Трикотаж буюмларни кийиш қулай, осонгина ювилади, тез қурийди. Унинг энг асосий хусусияти универсаллигидир.

Агарда трикотаж билан бошдан-оёқ кийиниш мумкин десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Трикотаж буюмларни—кофтачалар, кўйлаклар, шимлар, ўғил болалар кўйлаклари, юбкалар, сузиш костюмлари ва энсиз сузиш трусиларини сиз «Болалар дунёси» магазинининг трикотаж буюмлар секциясидан топасиз.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

46-ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕЧКИ СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982 — 83 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиотелемеханик (бу группага пул тўлаб ўқилади, тугатиш ихтиёрий), **радио аппаратуралари ва асбоблари монтажчиси, радио аппаратураларини йиғувчи, почта юкларини ташиш оператори, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси. Стипендия — 60 сўм; телеграфчи, телефончи, шаҳар телефон тармоғи линия ва абонент қурилмалари электр монтёри, кабелчи-қалайловчи. Стипендия — 56 сўм.**

Телеграфчи ва телефончилик касбларига (қизлар) 17 ва **ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотидаги; шаҳар телефон тармоғи линия ва абонент қурилмалари электромонтёри, кабелчи-қалайловчи, почта юкларини ташиш оператори ва почта вагонлари бошлиғининг ёрдамчиси ихтисосларига 17 ва ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинадилар.**

Билим юртига иккала жинсдаги шахслар қабул қилиниб, уларнинг Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида пропискада туришлари шарт.

Телеграфчилар, линия ва абонент қурилмалари электр монтёрлари, кабелчи-қалайловчилар учун ўқиш муддати — 1 йил, почта юкларини ташиш операторлари, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси ва телефончи, радиоаппаратуралари ва асбоблари монтажчиси, радио аппаратураларини йиғувчилар учун ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртини тугатганлар база корхоналарига ишга юбориладилар.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб 1 сентябрда бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: билим юрти директори номига ариза, автобиография, яшаш жойи ва медицина (286-форма) справкалари, 4 та фотосурат (4х3 см.), маълумоти ҳақидаги ҳужжат.

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳар, Ленин райони, Кафанов кўчаси, 51-уй (8, 9, 10, 24-трамвайлар, 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси»; 2, 5-трамвайлар, 2, 3, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Телефон 56-58-87.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, асбобсоз-слесарь, механик йиғувчи-слесарь, слесарь-электр монтажчи, токарь, фрезерчи (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), дурадгор, слесарь-сантехник, газ пайвандчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касбига мувофиқ равишда диплом берилади.

Ўқувчиларга ўқиш даврида 65 сўм ҳажмида стипендия берилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини битиргач уларга ўрта маълумот ва эгаллаган касбига мувофиқ диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг маълум қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар учун бирлашма ҳузурида политехника институти самолётсозлик факультети ва авиация техникумининг кечки бўлимлари мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга; авиамоделизм, фото-кинстудияси, бадиий сўз тўгараклари; вокаль-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблари ансамбли ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бунёд этилган.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг ишлаётган еридан справкалар, 8 та фотосурат (3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 48-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг 155-ШАҲАР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЗОҚҚА ҚАТНОВЧИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ.

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўрта маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Етоқхона берилмайди.

МАШИНАДА ҚОЛИШЛОВЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил. 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. 8-синф маълумоти бўлганларга ойига 30 сум, 10-синф маълумоти бўлганларга 70 сўм стипендия тўланади. Етоқхона билан таъминланади;

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛЬ. 10-синф маълумоти бўлган; 17,5 ва ундан катта ёшдагийигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1 йил. Етоқхона берилади;

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ВА РЕФРИЖИРАТОР ПОЕЗДЛАРИНИНГ МЕХАНИГИ

10-синф маълумоти бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қаоулқилинади. Ойига 30 сум, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун эса 72 сўм стипендия тўланади. Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади. Ўқиш муддати — 1,5 йил,

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати— 3 йил. Бу группаларга 8 синф маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат қилиб топган маошининг 50 процентн билан таъминланади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади, аъло баҳоларга тугатганлар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга қабул қилинадилар.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун жорий этилган имтиёзлардан, жумладан, Совет Иттифоқининг исталган пунктига поездда бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ва маълумоти ҳақидаги гувоҳномалар, ота-онасининг иш жойи ва яшаш жойидан справкалар, характеристика.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БОТАНИКА БОҒИ ботаник ихтисоси бўйича кичик илмий ходим вакант вазифасига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 11 июнгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700053, Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 232-уй.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 119-ўрта мактаб томонидан **Абдураимова Фотима Собитжоновна** номига берилган 609969 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд область, Пахтачи районидаги 36-ўрта мактаб томонидан **Кишбаров Туйчи Алимович** номига берилган 526300 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Калинин районидаги Роза Люксембург номидаги 36-мактаб томонидан **Ёқубов Аҳмаджон** номига берилган 435832 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 207-кечки ўрта мактаб томонидан **Талбабаев Ҳикматилла Мирзатиллаевич** номига берилган 452096 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ЖУМА — 4 ИЮНЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 «Қувноқ нотачалар». 18.40 Футбол бўйича Халқаро учрашув. Швеция — СССР терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.25) — «Дунё воқеалари». 20.25 «Кўмтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». 23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо» (Киев) Бокудан олиб кўрсатилади. 2-тайм. 23.45 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Алдаркўса». «Қовоғи солиқ мақтанчоқ». Болалар учун кинофильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус). 21.15 «Ахборот». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ёлғончи». Бадиий фильм. 00.10 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Инсон ва табиат» Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 21.30 МТП.

ШАНБА — 5 ИЮНЬ.

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.05 «Мастер ва бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 10.35 «Аҳолига кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.05 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.10 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». ВЛКСМ XIX съездига бағишланган Марказий виставка залидан «Мамлакат ёшлиги» ёш рассомлар асарлари Бутуниттифоқ кўргазмасидан репортаж. 12.40 «Спортлото»нинг 23-тиражи. 12.50 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 13.20 «Мулоҳаза». Телевизион ҳужжатли фильм. (Минск). 13.40 «Кото Марджанишвили». СССР халқ артисти Б. Анджапаридзе эсдаликлари. 14.15 СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри скрипкачилари ансамблининг концерти.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг Бадиий коллективлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Жўрабек САЙДАЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58 85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; наширёт диспетчери 32-78-94; наширёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

4 ИЮНЬ, 1982 й. Р—04845. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691